

QORAQALPOG'ISTONDA

Суд соҳасидаги ишлар
таҳлил қилинди

Қорақалпоғистон Республикаси судида судлар томонидан ўтган 2021 йил мобайнида одил судловни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишларнинг якунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Маъмурий суди раисининг маърузалари тингланди.

Таъкидланганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан ўтган йили 1872 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 2020 йилининг шу даврига нисбатан 38 фоизга кўпайган. Бу кўрсаткич Нукус шаҳрида, Қўнғирот, Тўртқул, Амурдарё, Чимбой, Бўзатов, Мўйноқ, Нукус, Хўжайли ва Эллиқалъа туманларида бир қанча ортган.

Тадбир якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Ҳар бир мурожаат ижроси
назоратда

“Қўнғирот сода заводи” масъуляти чекланган жамияти қўшма корхонаси бош директори Ж.Мустафоев томонидан ишчи ходимларнинг талаб ва таклифларини ўрганиш, уларнинг дардларини тинглаш ҳамда муаммоларини имкон даражасида жойида ҳал этиш мақсадида мунтазам сайёр қабул ўтказиб келинмоқда.

Уларда нафақат корхона ишчи-ҳодимлари, балки “Элобод” шаҳарча фуқаролар йиғини аҳолиси ҳам иштирок этиб, ўз муаммолари ҳамда таклифларини билдирмоқда.

Сайёр қабул давомида 29 нафар фуқаро уй жой масаласи бўйича мурожаат қилди. Уларнинг мурожаати бўйича “Элобод” шаҳарчада янги кўп қаватли уй-жой қуриш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига бу бўйича хат чиқарилди. Ҳозирги кунда тегишли ташкилотлар томонидан ер ажратиш, ўлчас, платформага жойлаштириш ишлари олиб борилаётган. Бундан ташқари, қурилиш тугалланмай қолиб кетган 18 хонали уй-жой бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, охирига етказиш чоралари кўрилмақда.

Ҳар бир мурожаат ечимни корхона раҳбарияти томонидан доимий назоратга олинган.

Семинар-тренинг ўтказилди

Қораўзак туман ҳокимлиги Ахборот хизматининг маълум қилишича, Қораўзак, Чимбой, Таштакўпир ҳамда Бўзатов туманларидаги фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлар иштирокида семинар-тренинг ўтказилди.

АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги томонидан ўтказилган маъмур семинар-тренингдан қўзғалган мақсад, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва пул айланмаларини режалаштириш, ҳисоб-китоб юритиш, хотин-қизлар ва ёшлар учун имкониятларни янада кенгайтириш, ўз агробизнесини бошлаши учун грантлар ажратиш назарда тутилган.

Тадбирда агентлик мутахассислари иштирокчиларга бу борадаги имкониятлар ва грант ажратилиши бўйича тушунчалар беришди.

«Прокурор ва ёшлар»
учрашуви бўлиб ўтди

Эллиқалъа туман Ахборот хизматининг хабар қилишича, тумандаги Ақчақўл овул фуқаролар йиғинида жойлашган 17-сонли умумтаълим мактабида «Прокурор ва ёшлар» учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда туман ҳокими ўринбосари Б.Алимов, туман прокурори Ш.Матякубов, Ёшлар ишлари агентлиги Эллиқалъа туман бўлими бошлиғи А.Худайбергенов ҳамда ҳоким ёрдамчиси Э.Тажиев шунингдек, тегишли ташкилот раҳбарлари, ёшлар иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда ёшларимиз учун жуда катта имкониятлар яратилган. Ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлганларга кредит маблағлари, деҳқончилик билан шуғулланишлари учун ер, субсидия ажратилиб, ёшлар бандлиги таъминланмоқда.

Учрашув давомида ёшлар томонидан билдирилган тақлиф ва муаммолар жойида ҳал қилинди.

Аскарлар имтиёзли тавсиянома
учун тест топширди

Шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг Нукус гарнизонида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар республика олий таълим муассасаларига ўқишга киришда имтиёз берувчи тавсиянома олиш учун тест синовларида иштирок этди.

Маъзур тест синовларида шаффофлиқни таъминлаш мақсадида аудиторияларда кузатув камералари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан икки кун давомида ўтказилган тест синовларида қоида ва қонун бузилиш ҳолатлари қайд этилмади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга ҳарбий қисмлар қўмондонлиги томонидан олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун берилган имтиёзли тавсияномалар, улар берилган санадан бошлаб уч йил мобайнида амал қилади.

Қорақалпоғистон ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.

ёхуд денгиз қурисада аҳолининг кўнгли тўлаётган шароитлар ҳақида

Кўпчиликка маълумки, 2000 йилларда Оролбўйи минтақасида сув танқислиги, ҳудуддаги иқтисодий инқироз кучайди, аҳолининг турмуш шароитлари янада оғирлашди. Орол денгизи қуриши ва маъмур экологик инқироздан энг кўп азият чеккан аҳоли мўйноқликлар бўлди.

Бундан 20 йилча илгари ҳудуддаги тангликдан аксар мўйноқликлар ҳаётини яхшилаш мақсадида туғилиб ўсган овулини ташлаб кетишга мажбур бўлган эдилар...

Бугунчи? Бугун бошқа ҳудудлардан ўз бизнесини яратиш, шу ерда ишлаш истагида Мўйноққа келаётганлар сони ортиб бормоқда. Негаки, Президентимиз ташаббуси билан Мўйноқда амалга оширилаётган ислохотлар нафақат мўйноқликлар, балки, бошқа ҳудудлар аҳолисининг ҳам келажакка бўлган ишончларини оширмоқда.

Мўйноққа энг дастлаб 2013 йилда келган Адамбой Абдалов аввалги йиллари фермер хўжаликларида шартнома асосида ишлаб юрди. Асли хоразмлик бўлган Адам-

бой 2018 йилда ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга яратилаётган шароитлардан фойдаланиб, “Севинч-Сардорбек” фермер хўжалигини ташкил қилди. Дастлабки, йилларда донли экинлар ва सबзавот-полиэ маҳсулотларини етиштирди.

— Эндиликда чорвачилик тармоғи бўйича ҳам янги лойиҳалар асосида иш бошляпмиз, — дейди фермер Адамбой Абдалов. — Бунинг учун Мўйноқда барча шароитлар бор. Ўтган йил маккажўхори, беда экиб, чорва моллари учун озуқа етиштириш имкониятимизнигинагина кўрдик, натижа ёмон бўлмади.

Яхши ният билан Германия давлатидан 25 бош симментал наслдор молларини, шунингдек,

Қозоғистондан 170 бош қўй олиб келдик. Ҳозирги вақтда чет элдан олиб келинган наслдор чорвалар ўзимизда етиштирилган озуқа билан боқилмоқда. Энг муҳими, Мўйноқда ишлайман десанг, қўллаб-қувватлайди. Меҳнатдан қочмай ишла-япмиз натижа ҳам шунга яраша бўлиб, фаолиятимизни кенгайтирмоқдамиз. Фермер хўжалигимиз аъзолари, яъни ҳудуд аҳолисини ишли қилиб, оиласи олдида даромад топишига озгина ҳисса қўшаётганимдан кўнглим тўлади.

Эътиборлиси, биргина биз сўз юритган “Севинч-Сардорбек” фермер хўжалигида туманнинг “Қизилжар” овулидаги 15 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланган. Бундан кўришиб турибдики,



ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган эътибор аҳолининг бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Орол денгизи қуриган бўлсада, ҳудудда яратилган шароитлардан Мўйноқда яшаб, меҳнат қилаётган аҳолининг кўнгли тўлмоқда. Ҳа, бу-

гун Мўйноқдан кўчи эмас, кўчиб бориш, ўз ишини бошлаш ва кенгайтириш кўпаймоқда.

Ғайрат ОТАЖОНОВ.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ —
КЕЛАЖАК САРИ ЯНГИ ҚАДАМ

Мамлакат фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар ҳар қандай давлат миллий статистикасининг муҳим қисми саналади. Бундай маълумотлар маълум вақт оралиғида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари орқали тўпланади. Улар нафақат республика, балки ер юзи аҳолисининг сони, ижтимоий ҳолати, даромадлари каби бир қанча муҳим ахборотларни ҳисоблаб боришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда илк бор 2023 йилда ўтказилиши кўзда тутилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига айна пайтада қизган тайёргарлик кўрилмақда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги қарорига асосан, маъмур тадбирига тайёргарлик кўриш сифатини таъминлаш, унинг ташкилий ва услубий жиҳатлари, дастурий-техник таъминоти ва маълумотларни қайта ишлаш технологияси жараёнлари ҳозирлигини аниқлаш мақсадида, 2021 йил 1-25 ноябрь кунлари республика-камизнинг 4 та ҳудудида синов тарикасида аҳоли рўйхатга олинди.

Синов натижаларидан келиб чиқиб, 2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш дастури, рўйхатга олиш саволномалари, методик қўлланма-

лар ва норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилади ҳамда маълумотларни қайта ишлаш бўйича ахборот тизими тақомиллаштирилади. Синов тарикасида аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида иштирок этиш учун халқаро кузатув миссияси мамлакатимизга ташриф буюрди. 11 кишидан иборат ушбу миссия вакиллари республика-мизнинг 4 та ҳудудида бўлиб, бу борадаги ишлари билан танишди. Улар бу жараёни ижобий баҳолаб, уни янада сифатли ва замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берди. Жумладан, саволномаларни миллий менталитетга мослаштириш ниятида тақомиллаштириш, планшетлардан кенг фойдаланиш, интер-

нет тармоғи орқали рўйхатга олиш тизимини содда-лаштириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этиш жоизки, синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари муайян муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Оммавий ахборот воситалари, расмий веб-сайтлар, ижтимоий тармоқларда ҳамда маҳалаларда тарғибот-ташвиқот ишлари ташкил этилган бўлса-да, аҳолининг рўйхатга олиш тадбиридан тўлиқ хабардор эмаслиги, айниқса, хонадонларда яшовчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар айрим маҳалла идораларидаги мавжуд ахборотга мос келмаслиги ҳам кузатилди.

КЎРГАЗМА: “КЎНГИЛ ОҲАНГЛАРИ”

Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейида Ўзбекистон Бадиий Академияси академиги, Қорақалпоғистон Республикаси халқ рассоми Сарсенбой Байбосиновнинг “Кўнги́л оҳанглари” номли шахсий кўргазмаси очилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда қорақалпоқ рассомчилиги санъат жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Устоз рассомларнинг давомчилари янги замонавий руҳида асарлар яратиб, томошабинларнинг кўнгилларидан жой олмоқда.

Сарсенбой Байбосинов натюрморт, манзара, портрет жанрларида самарали меҳнат қилади. Шу билан бирга ижодининг асосий мавзуси қорақалпоқ миллий урф-одатлари, этнографияси, миллий кийимлардаги қорақалпоқ аёллари, қишлоқ манзаралари, миллий қуруқлар билан натюрморт, бугунги куннинг муаммолари — Орол фожиасидан иборат.

Рассом 1983 йилдан бошлаб республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этиб келмоқда. Жумладан, Туркия ва Россияда ўтказилган “Ўзбекистон рассомлари” кўргазмаларида иштирок этган. 2004 йилда ижодий сафар билан Австрия ва Кипр мамлакатларига борди. Шунингдек, ҳар икки йилда Тошкентда ўтказилган Халқаро замонавий



санъат Биенналеларида фаол иштирок этган. Нукус шаҳридаги мактаб ва коллеж ҳамда кўргазма залларида шахсий кўргазмалари кўп бор ташкил қилинган. Унинг асарлари бугунги кунда мамлакатимиздаги ва МДХ давлатлари, Голландия, АҚШ, Австрия, Германия, Япония каби мамлакатларнинг музейлари коллекцияларидан ўрин олган.

С.Байбосинов 1993 йилдан буён Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. 2002 йили “Шўхрат” медалли, 2008 йили Ўзбекистон Бадиий Академиясининг “Олтин медалли” билан тақдирланган бўлса, 2016 йили унга “Қорақалпоғистон Республикаси халқ рассоми” унвони берилди. Бугунги кунда ёшларга ранглар жилосини ўргатиб келмоқда.

Тадбир иштирокчилари рассомнинг янги кўргазмасида намойиш этилган асарлари билан танишди.

Қорақалпоғистон ахборот агентлиги.

А.АДИГАНИЕВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси
статистика бошқармаси.

ҚУРИЛИШДА ЁНГИН
ХАВҲСИЗЛИГИ
ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ
ҚИЛИНГ!

Нукус шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томондан янги қурилаётган кўп қаватли аҳоли турар жойлари ва маъмурий биноларда фавқулодда ҳолатлар ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча ишчи ходимлар билан суҳбатлар ўтказилмоқда.

Биноларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш дастлаб уларни лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларидан бошланади. Хавфсизлик талабларининг тўла бажарилиши кейинчалик уларда ёнгин содир бўлмаслигининг кафолати ҳисобланади.

Қурилиш давом этаётган бино ва иншоотларнинг майдонларида, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларида ёнгин хавфсизлиги тегишли қоидаларга амал қилиш орқали таъминланади. Масалан:

Биринчи навбатда барча ишчи ходимлар техника қоидаларига риоя қилган ҳолда махсус кийим бошлар билан таъминланиши, қурилиш майдонларида пайвандлаш ишларини махсус гувоҳномага эга бўлган ишчилар олиб бориши, қурилиш майдонларини ёнгинга қарши қалқон ҳамда бирламчи ёнгин ўчириш воситалари билан таъминлаш, носоз ҳолдаги электр тармоқларидан, ишчилар хонасида ностандарт электр иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик, газ солинган баллонлар сони 50 дан ортиқ бўлмаган ҳолда махсус омборхонада ёки қудъ нури тик тушмайдиган бостирма остида сақланиши керак. Тўлдирилган баллонлар тик ҳолда сақланиши лозим. Улар махсус катаклар ёки уяларга ўрнатилади ва камар, занжир ёки қисқичлар билан маҳкамланади, кислород баллонларида фойдаланиш, уларни саклаш ва қўчиришда баллон ҳамда шланглар мой ва мойли материалларга тегиб кетмаслиги чоралари қўрилиши ва шу каби бир қатор хавфсизлик чораларига риоя қилиниши керак.

«Меҳнат қилиб боғ яратган уни асрай билиши ҳам керак» деганларидек, бино ва иншоотлар бунёд этувчи ҳар бир бинокор-қурувчи, муҳандис мутахассис тегишли талабларни пухта ўзлаштириб олиши, қурилиш жараёнида ёнгинларга олиб келувчи ҳар қандай салбий ҳолатнинг олдини олиш юзасидан тегишлича йўриқнома билан таъминланиши лозим. Бошқача айтганда, қурилишда амалдаги қоида талабларига қатъий риоя этишга ҳар бир киши масъул ва мажбур эканлигини унутмаслиги керак.

К.СЕЙТНАЗАРОВ,
Нукус шаҳар ФВБ НТБ бошлиғи
катта лейтенант.



МУАССИСЛАР:

Qoraqalpog'iston Respublikasi
Jo'qorg'i Kengesi
va Respublika Vazirlar Kengashi.

Bosh muharrir:
Nazira MATYAKUBOVA

2010 yil 31-martda Qoraqalpog'iston Matbuot va axborot agentligida 01-057-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr indeksi—2000, 2001. Buyurtma—102. Hajmi-2 bosma taboq. Qo'g'oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda. Gazeta haftasiga 1 marotaba chop qilinadi.

TELEFON, FAKS: 8(361) 222-81-18

MANZILIMIZ:

230100, Нукус shahri,
Islom Karimov zuki, 111-uy.

ISSN 2181-5224

-Tijorat materiali

Tahririyatga kelib tushgan qo'lyozmalar, suratlar muallifga qaytarilmaydi. Gazetaning sifatli chop etilishi uchun noshir, mushtariylar qo'lga o'z vaqtida yetib borishi uchun esa «O'zbekiston pochta» OAJ Qoraqalpog'iston filiali, «Matbuot tarqatuvchi» MCHJ bo'limlari javobgardir.

Gazeta «TEZKOR-MATBAA» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Urganch shahri,
Amir Temur ko'shasi 145-uy

Tezkor
Matbaa

Gazeta tahririyat kompyuterida terildi va S.JO'LDIBOYEV tomonidan sahifalandi.

Navbatchi

muharrir:
F.NURULLAEVA
Bosishga ruxsat etilgan
vaqti: soat 18.00.